



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ**

20~~20~~йил “25” маёв

№ 297

Тошкент ш.

**Хотин-қизлар ва эркаклар учун
тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни
таъминлаш масалалари бўйича
маслаҳат-кенгашини тузиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 18 апрелдаги 07/2-107-сонли топшириғида белгиланган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштироқида маслаҳат-кенгашлари тузиш” билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазир ўринbosарлари, вазирлик тизимидағи бўлинмалар, ташкилотлар, худудий бошқармалар, олий таълим муассасалари ва филиаллар раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 18 апрелдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштироқида маслаҳат-кенгашлари тузиш ҳақидаги 07/2-107-сон топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан ишлаб чиқилган “Вазирлик, идора ва ташкилотларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини юритиш юзасидан тавсиялар” асосида маслаҳат-кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик тизимидағи ташкилотлар, ҳудудий бошқармалар, олий таълим муассасалари ва филиаллар раҳбарларига бир ҳафта муддатда белгиланган тавсиялар асосида маслаҳат-кенгашларини тузиш вазифаси белгилансин.

4. Ушбу буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ю.Абсоатов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов


Вазирликнинг 2019 йил “_____” даги
_____ -сонли буйруғига илова

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига жамоатчилик асосида Хотин-қизлар
ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари
бўйича тузилган маслаҳат-кенгаши таркиби

1	Абсоатов Юсуф Қодирович	Вазир ўринбосари	Маслаҳат- кенгаши раиси
2	Жамолдинова Одинахон Расуловна	Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси	аъзо
3	Қодиров Бобиромон Бекмуродович	Ташкилий кадрлар бошқармаси бошлифи	аъзо
4	Сулейманова Румия Хаббуловна	Юридик бўлим бошлифи	аъзо
5	Рахмонов Норим Раззокович	Вазирлик касаба уюшмаси раиси	аъзо
6	Рихсиева Гулчехра Шавкатовна	Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори	аъзо
7	Солихўжаева Дилдора Абдураимовна	Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси	котиб

**ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА
МАСЛАҲАТ-КЕНГАШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА
УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЙОРИТИШ ЮЗАСИДАН**

ТАВСИЯЛАР



ТОШКЕНТ – 2020

I. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Конунийнинг 13-моддасида давлат органларининг раҳбарлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгаши органларини тузиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур Конун ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик, идора ва ташкилотларда (бундан бўён матнда ташкилотлар деб юритилади) хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича коллегиал маслаҳат органи хисобланган, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилишини бартараф этиш мақсадида маслаҳат-кенгаши тузилади.

2. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазийик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар ҳамда ушбу Тавсиялар асосида амалга оширади.

3. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳукуклилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиклик ва шаффофлик принциплари асосида фаолия юритади.

4. Маслаҳат-кенгаши Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг устувор йўналишлари ва тавсияларига амал килган ҳолда ташкилотда қуидаги иўларни амалга оширади:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини беради;

- юридик хизмат томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳукукий ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида ҳукукий (гендер-ҳукукий) экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси ва бошқа амалдаги норматив-ҳукукий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг яратилганлик ҳолатини ўрганади ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

- ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер тенглизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва юридик хизматга тақдим этади;

- фаолият жараёнини мониторинг қилади, баҳолайди ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқади ва раҳбариятга тақдим этади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятлар яратилишини таъминлайди;
- ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат ёки бошқа жараёнларда, иш берувчи томонидан вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда гендер тенгликни таъминлайди;
- раҳбарлик лавозимларига иқтидорли, талабчан ва масъулиятли аўллар номзодларини тавсия қилинишини таъминлайди;
- ходимларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини күриб чиқади;
- ходимларни иш жойидаги зўравонликка барҳам беришга қаратилган фаолиятни олиб боради ва бундай ҳолатларни олдининг олиш чораларини кўради;
- давлат мукофотлари ва кўкрак нишонларига тавсия қилиш ҳамда рағбатлантиришда гендер тенгликни таъминлайди;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- меҳнат жамоасида касбий йўналишда тенг имкониятлар яратилиши, айниқса аўллар ва қизларни доимий равишда бепул тиббий кўрикдан ўтказиши юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади;
- бир хил лавозимларда ишләётган хотин-қизлар ва эркакларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар тенг тўланишини мониторинг қилади;
- гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;
- бошқа ташкилотлар билан гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилади.

Маслаҳат-кенгашлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни яратиш мақсадида асосий фаолият йўналишлари сифатида қонунда тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши ҳамда амалга ошириши мумкин.

II. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИННИГ ТАРКИБИ

5. Маслаҳат-кенгashi ташкилот раҳбарияти томонидан етти кишигача (қоида тарқасида) бўлган таркибда иловага мувофиқ шакллантирилади.

6. Маслаҳат-кенгашининг биринчи йиғилишида унинг раиси ва котиби тайинланади. Маслаҳат-кенгashi раисининг вазифаларини бажариш ташкилот раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади. Маслаҳат-Кенгашининг раиси Кенгаш аъзоларини шакллантиради.

7. Маслаҳат-кенгаши раиси:
Кенгаш фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади;
Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
Кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича умумий назоратни амалга оширади;
Кенгаш томонидан амалга оширилаётган фаолият учун жавобгар ҳисобланади.
8. Маслаҳат-кенгаши котиби:
Кенгаш мажлисининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди;
Кенгаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради.
9. Маслаҳат-кенгаши аъзолари маслаҳат-кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этади.
10. Ташкилот раҳбари маслаҳат-кенгашини ташкил этиш учун шахсан маъсул ҳисобланади.

III. МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИ ИШ ТАРТИБИ

11. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг йиғилиши раиснинг ташаббуси билан ёки Кенгаш аъзоларининг камидан учдан бир қисмининг таклифига кўра чақирилади. Кенгаш йиғилиши ҳар чоракда камидан бир маротаба ўтказилиши шарт.
12. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок эштирок этса, унинг йиғилиши ваколатли ҳисобланади. Маслаҳат-Кенгаши йиғилишига унинг аъзоларидан ташқари, ташкилот ходимлари, оммавий ахборот воситалари, мутахассис ёки экспертлар ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин.
13. Маслаҳат-кенгаши йиғилиши баённомаси котиб томонидан юритилади. Мазкур баённомада Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилаётган масалалар тўлиқ баён этилади.
14. Маслаҳат-кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар натижаси юзасидан қарор қабул қилинади. Қарорлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда маслаҳат-кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Кенгаш баённомаси котиб томонидан имзоланиб, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.
15. Маслаҳат-кенгашининг қарорлари ташкилот раҳбарияти учун кўриб чиқилиши мажбурийдир.
16. Ташкилот раҳбарлари ва маслаҳат-кенгашлари хотин-қизлар ва эркаклар учун teng хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси

Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси сўровига асосан тақдим этади.

Вазирлик, идора ва ташкилотларда хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқўқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини юритиш юзасидан тавсияларга илова

МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИ ТУЗИЛМАСИ

